КУТУБХОНАСИ

2009 ЙИЛ, 23 ЯНВАРЬ, ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 16 (11.327)

Баҳоси эркин нархда

## РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТИ САМАРҚАНДДА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАКЛИФИГА БИНОАН РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ ДМИТРИЙ МЕДВЕДЕВ 22 ЯНВАРЬ КУНИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗГА КЕЛДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов олий мартабали меҳмонни Самарқанд аэропортида кутиб олди.

Ўзбекистон-Россия муносабатлари иттифоқчилик ва стратегик шериклик тамойиллари асосида ривожланиб бормоқда. Мунтазамлик касб этган олий даражадаги учрашувлар савдо-иқтисодий, сармоявий, илмий-техникавий, гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга кўтармоқда.

Ўзбекистон ва Россия муносабатларида иқтисодий ҳамкорлик алоҳида ўрин тутади. Мамлакатимизда россиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган юзлаб қўшма корхона фаолият юритмоқда. Савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган бизнес-форумлар, кўргазмалар мунтазам равишда ўтказиб келинаётир. Мамлакатларимиз халқаро ташкилотлар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида Россия Президенти Дмитрий Медведев Улуғбек расадхонасини, Ҳазрати Дониёр ва Гўри Амир мақбараларини зиёрат қилди. Миллий меъморчиликнинг ноёб обидаларидан бири Регистон мажмуини катта қизиқиш билан томоша қилди. Мажмуадаги Улуғбек, Шердор, Тиллакори мадрасалари Россия Президентида унутилмас таассурот қолдирди. Президентлар бу ерда доимий фаолият юритувчи миллий ҳунармандлик маҳсулотлари кўргазмасини кўздан кечирдилар. Дмитрий Медведев Самарқанд қоғози тарихи билан қизиқди. Олий мартабали меҳмонга миллий давлатчилигимиз, қадимий обидалар тарихи, юртимизда қадимдан шаҳарсозлик, илмфан ва ҳунармандлик ривожланғани ҳақида маълумот берилди. Икки давлат раҳбарлари, шунингдек, Сиёб бозорини бориб кўрдилар.

Қадимий шаҳар билан танишувдан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Самарқанддаги қароргоҳида Ислом Каримов билан Дмитрий Медведевнинг суҳбати бўлиб ўтди.

– Сизни бой тарихга эга бўлган Самарқанд шаҳрида кутлашдан мамнунман. Бу шаҳарни бир бор кўрган одам уни қайта-қайта зиёрат қилгиси келади. Самарқанднинг ўзига хос, бетакрор ҳавоси, иқлими, табиати бор. Ишонаманки, бу ердаги учрашувлар, умуман ташриф Сизда унутилмас таассурот қолдиради, – деди Ислом Каримов.

– Ўзбекистонга таклифингиз учун Сизга миннатдорлик изҳор этаман. Ташриф Самарқанддан бошлангани чуқур рамзий маънога эга. Шаҳар менга жуда ёқди. Жаҳон цивилизациясининг дурдоналаридан бўлган ушбу шаҳар ўзининг тарихий салоҳияти билан ҳам, кўплаб тарихий воқеалар шу ердан бошлангани билан ҳам башарият тарихида алоҳида ўрин тутади. Бугун биз томоша қилган тарихий обидалар бир умр ёдда қолади. Ниҳоятда гўзал шаҳар. Сизнинг бу шаҳарнинг ўзига хос ҳавоси, иқлими, табиати борлиги ҳақидаги фикрингизни тўла қўллаб-қувватлайман. Бозордаги тўкинлик, одамларнинг очиқ чеҳралари мени ҳайратга солди, – деди Дмитрий Медведев.

Шу куни оқшом Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Россия Президенти Дмитрий Медведев Тошкентга келди.

**Воҳид ЛУҚМОНОВ,**
**ЎзА махсус мухбири**
**Самарқанд-Тошкент**

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ 22 ЯНВАРЬ КУНИ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ. МАЖЛИСНИ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ СПИКЕРИ Д.ТОШМУҲАМЕДОВА ОЛИБ БОРДИ. ДЕПУТАТЛАР ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИ ТОМОНИДАН ТАКЛИФ ЭТИЛГАН КУН ТАРТИБИНИ ТАСДИҚЛАДИЛАР.**

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси Ғ.Сафаров «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Мазкур тузатишлар баҳолаш ташкилотлари фаолиятини, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларини, тарафларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва ушбу соҳадаги бошқа масалаларни тартибга солувчи нормаларни янада аниқроқ белгилаш мақсадини кўзлайди. Ҳужжатнинг барча сиёсий партиялар фракциялари вакиллари сўзга чиққан батафсил муҳокамасидан сўнг Қонунчилик палатаси қонунни қабул қилди. Қонун маъқуллаш учун Сенатга юборилади.

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси Ш.Абдуллаева маъруза қилди. Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ ишлаб чиқилган. Айрим ҳуқуқий нормаларни аниқлаштириш юзасидан депутатлар томонидан киритилган таклифларни муҳокама қилгач, қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасинининг раиси М.Тешабоев «Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасида инвестицияларни либераллаштириш, рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги Битимни (Тошкент, 2008 йил 15 август) ратификация қилиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида ахборот берди. Қонун лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида депутатлар мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши ва пировардида Битимнинг кучга кириши Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига Япония инвестицияларини жалб қилишни фаоллаштириш, ўзбекистонлик инвесторлар Япония ҳудудида фаолият кўрсатиши ва уларнинг ҳуқуқларини кафолатлашнинг ишончли қонунчилик базасини яратиш имкониятини беради. Ҳужжатни муҳокама қилиш чоғида депутатлар томонидан билдирилган фикрларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси қонунни қабул қилди.

«Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 17-моддасига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси М.Маҳаметова тақдим этди. Таклиф этилган ўзгартишлар фуқароларнинг никоҳдан ўтиши пайтидаги алоҳида ҳолатлар ва шароитларни ҳисобга олиш имконини беради. Қонун лойиҳаси бошқа мамлакатларнинг ўхшаш масалаларни қонун йўли билан тартибга солиш борасидаги тажрибаси, шунингдек, Ўзбекистон мутахассислари ҳамда экспертларининг фикрлари ва хулосалари ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган. Киритилаётган тузатишларни батафсил муҳокама қилгандан сўнг депутатлар қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилдилар ва масъул қўмитага уни иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун маромига етказишни топширдилар.

**(Давоми 2-бетда).**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

**БУГУНГИ КУНДА МАМЛАКАТИМИЗДА РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ САРМОЯСИ ИШТИРОКИДА 786 ТА КОРХОНА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАНИ ИККИ ДАВЛАТ ЎРТАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЁРҚИН НАМОЙИШИДИР. АНА ШУНДАЙ ЖАМОАЛАРДАН САНАЛГАН «INTER SOK» ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ 2005 ЙИЛДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН БЎЛИБ, БУГУНГИ КУНДА МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИ ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ БИЛАН ИЧКИ БОЗОРДА ЎЗ ЎРНИНИ ТОПМОҚДА.**



*Ҳамкорлик қирралари*

## ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОРТАДИ




Ўтган давр мобайнида замонавий технологик линиялар билан жиҳозланган цехларда «Сочная долина» ва «Вико» белгиси остида нектар ҳамда шарбатлар ишлаб чиқарилмоқдаки, дармондориларга бой ва кимёвий аралашмаларсиз тайёрланаётган ушбу маҳсулотларга талаб ортиб бормоқда. Албатта, тадбиркорлар ички ҳамда ташқи бозорни ўрганган ҳолда маҳсулот турларини кўпайтиришмоқда, қадоқланишига, сақланиш муддатини узайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кундан кунга харидор талаб ва эҳтиёжи ортиб, диди юқорилаб бораётган бугунги бозор иқтисодиёти шароитида тинмай изланиш, янги техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга қўллаш муҳим аҳамият касб этадики, бу маҳсулот сифати, турлари ортишида, қадоқланиши халқаро стандартларга жавоб беришида муҳим аҳамиятга эгадир. Шуни инобатга олган ҳолда корхона тадбиркорлари ҳам цехларга янги технологик линиялар ўрнатишга, шу асосда маҳсулотнинг бозоргир турларини тайёрлаб харидорларга манзур этишга эътибор қаратишган. Энг муҳими эса аҳоли севиб истеъмол қиладиган шарбатнинг сифати доимий назоратда.

Ўтган 2008 йилда корхонада бир кунда 100 минг литр шарбат тайёрлаш қувватига эга бўлган янги технологик линиялар ишга туширилиши харидорлар талабини қондиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Швециянинг янги «Тетра Пак» линиясининг ўрнатилиши натижасида маҳсулотнинг қадоқланиш сифати ортиши баробарида сақлаш муддати ҳам узайтирилди.

Корхона маҳсулотларининг республикамизнинг барча вилоятларида харидорлари бор. Шунингдек, рақобатбардош товарлар қўшни мамлакатларга ҳам экспорт қилинади.

— Шарбат ва нектарларни тайёрлашда 85 фоиз маҳаллий хом ашёдан фойдаланамиз, — дейди қўшма корхона ижрочи директори Роман Конюка. — Ҳозирда 50 нафар малакали ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган жамоамизда «Сочная долина» савдо белгиси билан 9 хил, «Вико» савдо белгиси асосида 8 хил маҳсулот тайёрланмоқда.

Жорий йилда шериклар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаб янги савдо маркалари асосида маҳсулотлар турларини кўпайтириш, ички бозордагина эмас, балки ташқи бозорда ҳам харидорлар сафини кенгайтириш режалаштирилган. Албатта, қўшимча ишчи ўринлари яратилиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳам оширилади.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТЛАРДА: янги технологик линия харидоргир маҳсулот тайёрлашда қўл келмоқда.**

**Алексей Попов олган суратлар**

## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикасининг Саудия Арабистони Подшоҳлигидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Алишер Қодиров Подшоҳ, Икки муқаддас масжид ходими Абдуллоҳ бин Абдулазиз Ол Саудга ишонч ёрлиқларини топширди.

Ишонч ёрлиқларини топшириш маросими чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Саудия Арабистони Подшоҳлиги ўртасида икки томонлама муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама этилди.

**«Жаҳон» АА**

## Қисқа сатрларда

● **ҲАМЗА** туман ихтисослашган хотин-қизлар коллежида туман ҳокимлиги ва Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал демократик партияси туман бўлими ҳамкорлигида ўқувчилар, ўқитувчилар ва партия фаоллари иштирокида ўтказилган давра суҳбати «Сайлов жараёнида хотин-қизларнинг роли» деб номланди.

● **«ТОШКЕНТ** шаҳар электр тармоғи» очиқ акциядорлик жамиятида соҳа мутахассислари иштирокида ўтказилган тадбирда ўтган йилда бажарилган ишлар ва жорий йил режалари муҳокама қилинди.

● **ЧИЛОНЗОР** туманидаги Ҳамза маҳалласида маҳаллалар осойишталигини асрашда посбонларнинг ўрни масаласига бағишлаб туман ИИБ, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими ҳамкорликларида тадбир ўтказилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида тасвирий ва амалий санъат йўналишида фаолият юритаётган мусаввирлар ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи «Ижодимиз ҳақида гапирсак» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.

● **ФУҚАРОЛИК** жамиятини ўрганиш институтида ўтказилган давра суҳбати мамлакатни демократлаштириш ва модернизациялашда сиёсий партияларнинг ролига бағишланди.

● **ЭРТАГА** «Туркистон» саройида Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ва «Камолот» ЁИҲ ҳамкорлигида эстрада хонандаларининг «Қалбимда Ватан мадҳи» кўрик-танловининг республика босқичи ўтказилади.

● **ЭРТАГА** Миробод туманидаги Ғафур Ғулом номли маданият уйида туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида Бароtхўжа маҳалласи ёшлари иштирокида стол тенниси мусобақаси ўтказилади.

*(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).*

## XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, «Камолот» ЁИҲ ва Республика Бастакорлар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган «Қалбимда Ватан мадҳи» кўрик-танловининг Наманган вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туманларда ғолиб чиққан йигирмадан ортиқ ёш хонанда ўз маҳоратини намойиш этди.

● Гулистон шаҳрида янги «Ursa-Minor» қўшма корхонаси ишга туширилди. Мазкур корхонани ташкил этиш учун туркиялик сармоядорлар 1 миллион 600 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритишди. Бир кеча-кундузда 30 тонна мевани қайта ишлаш ва қуритиш қувватига эга бўлган ушбу корхонада 60 киши доимий иш билан таъминланди. Бу ерда 18 турдаги рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилаётган бўлиб, унинг асосий қисми экспортга чиқарилади.

● Навоий шаҳридаги «Ширин» маданият саройида солиқ қонунчилигига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Анжуманда республика Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси мутахассислари маърузалар қилиб, солиқ тўловчиларнинг саволларига жавоб қайтардилар.

● Хоразм вилоятида «Энг намунали милиция таянч пункти» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди.

● Бухоро вилоятида мелиорация ишлари кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Куни кеча «Гурдош» ташламасидан Денгизкўлгача бўлган зовур қурилиши якунига етказилди. Бу 10 минг гектардан зиёд майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланганидан далолат беради.

● Китоб туманидаги Бештерак қишлоғида 615 ўқувчи ўрнига мўлжалланган уй-жой коммунал касб-ҳунар коллежининг қурилиши бошланди. Мазкур ўқув маскани 225-туман хўжаликлараро механизациялашган кўчма жамланма жамоаси томонидан бунёд этилаётган бўлиб, коллежни янги ўқув йилига фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда.

● Тадбиркор Бозорбой Ҳасанов Хоразм вилояти Боғот туманидаги Бешариқ қишлоғида янги гузар қурди. Тадбиркорнинг ўз маблағи ҳисобига бунёд этилган гузар «Обод» маҳалласига янада чирой бахш этди. Кўплаб инфратузилмалар ўрин олган мазкур гузарда қишлоқ аҳли учун барча маданий-маиший шароитлар яратилган.

● Пахтакор туманидаги «Семурғ» фермер хўжалиги қошидаги завод жамоаси тўрт хил турдаги ўсимлик ёғини ишлаб чиқаришга киришди. 17 киши ишли бўлган корхона жамоаси лойиҳа қувватига кўра бир кеча кундузда олти тонна ўсимлик ёғини тайёрламоқда. Яъни аҳоли дастурхонига кунжут, масхар, кунгабоқар ва соя ёғлари етказиб берилмоқда. Замонавий технологик жараёнлар қўлланилаётганлиги сабабли ушбу ёғларнинг сифати ҳам юқори.

### ЖАҲОНДА

● АҚШ Президенти Барак Обама Гуантанамо оролидаги ҳарбий базадан ўрин олган террорчилар сақланадиган қамоқхонанинг жорий йил охиригача ёпилиши тўғрисида фармон қабул қилди.

● Кеча Фаластиннинг ХАМАС ва «Ислом жиҳоди» гуруҳлари мамлакатдаги жангари гуруҳларни тинчликни сақлашга ва миллий тотувликка чақирдилар.

● Дунёдаги йирик автомобилсозлик концернларидан саналган «Fiat» (Италия) ҳамда «Chrysler» (АҚШ) стратегик шерикчилик борасида шартнома имзолашди. Унга кўра «Fiat» «Chrysler» акциялари пакетининг 35 фоизига эгалик қилади ва уни банкротликдан сақлаб қолади.

● Хитой Тайпейида чекишни тақиқлаш тўғрисидаги қонун кучга кирди. Энди жамоат жойларида чекиш қатъиян ман этилади. Тамаки маҳсулотлари савдоси кучли назорат остига олинади. Чекувчилар учун эса атроф-муҳитга зарар етказмайдиган махсус чекиш жойлари ташкил этилади. Қонунни бузганларга 300 АҚШ доллари миқдорида жарима солинади.

● Ўтган йилнинг 7 ноябрида Адан кўрфазида сомалилик қароқчилар томонидан қўлга олинган Future кемаси тегишли маблағ тўланганидан сўнг экипаж аъзолари билан Санкт-Петербург шаҳрига қайтиб келди.

● Грецияда норозилик билдираётган фермерлар 1500 дан ортиқ тракторлар ёрдамида Афинани Грециядаги катталиги бўйича иккинчи шаҳар — Салоники билан боғлайдиган мамлакатнинг бош автотрассасидаги ҳаракатни тўхтатиб қўйдилар. Ҳаракат автотрассанинг 30 километрлик қисмида тўхтатилган бўлиб, фермерлар пахта, жўхори ва буғдойга нархлар кўтарилиши чоғида ҳукуматнинг ҳаракатсизлигига қарши норозилик билдирмоқдалар.

● Хитойнинг Air China етакчи авиакомпанияси ўтган йили авиаёнилғи нархининг кескин ўзгариб турганлиги натижасида 924 миллион долларлик зарар кўрди.

● Кеча Камчаткадаги Шевилич вулқони уйғониб, ундан чиқаётган лаванинг баландлиги 4,5 километргача етди.

● Кеча Австралиянинг шимолий қисмида жойлашган Тасмания оролида номаълум сабабларга кўра 50 та кит ўзини қирғоққа чиқариб, ҳалок бўлган.

● Россия давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги инспекцияси 2010 йилдан бошлаб машиналарни техник кўрикдан ўтказиш ишларини амалга оширмайди. Мамлакатда машиналар жуда кўпайиб кетганлиги сабабли, инспекция фақат назорат фаолияти билан шуғулланади. Техник кўрикдан ўтказиш ишлари эса тижорат тузилмалари ихтиёрига берилади.

# ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2008 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқдилар. Ўтган йили парламентнинг қуйи палатаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан илгари сурилган мамлакатни ривожлантириш концепциясига мувофиқ олиб борилаётган кенг кўламдаги ислоҳотларнинг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш борасида катта ишларни амалга оширди. Ҳисобот даврида қабул қилинган қонунларнинг ижроси устидан назорат қилишга, аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб боришга, парламентлараро алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга, қонунчилик фаолиятининг шакллари ва усулларини такомиллаштиришга, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонунга мувофиқ парламентда сиёсий партиялар фракцияларининг фаоллигини оширишга катта эътибор берилди. Муҳокама пайтида билдирилган фикрларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси ҳисоботни маъқуллади ва тегишли қарор қабул қилди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2009 йилга мўлжалланган фаолиятининг асосий йўналишларини ҳам кўриб чиқдилар. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16 йиллигига бағишланган тантанали мажлисдаги нутқида олдинга қўйилган вазифаларга мувофиқ депутатларнинг қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолиятининг устуворликлари белгиланган. Парламент қуйи палатасининг ишида суд-ҳуқуқ ислоҳотини бундан буён ҳам амалга оширишга, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштиришга, мамлакат иқтисодиётининг реал секторини мустаҳкамлашга, шунингдек, ижтимоий соҳанинг қонунчилик базасини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва тадбирлар ўтказиш режалаштирилган. Кўриб чиқилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**(ЎзА)**

# 2008 ЙИЛ ҲАҚИДА ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ

**ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОЛАРИ 2008 ЙИЛДА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНИ, ДАВЛАТИМИЗНИНГ ИЧКИ ВА ТАШҚИ СИЁСАТИНИ, ШУНИНГДЕК, РЕСПУБЛИКАМИЗДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ЕТАКЧИ СИЁСИЙ, ҲУҚУҚИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ИНСТИТУТЛАР ФАОЛИЯТИНИ ҚАНДАЙ БАҲОЛАЙДИ? УШБУ САВОЛЛАРГА «ИЖТИМОИЙ ФИКР» ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ЎРГАНИШ МАРКАЗИ ТОМОНИДАН ЎТГАН ЙИЛ ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН ИЖТИМОИЙ ТАДҚИҚОТ ДАВОМИДА ЖАВОБ ОЛИНДИ.**

Сўровда Ўзбекистоннинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри вакиллари, шаҳар ва қишлоқ аҳли, эркак ва хотин-қизлар, ёши, миллати ва маълумоти турли хил бўлган кишилар иштирок этди. Бу маълумотлар ишончли ва аниқ бўлишини таъминлади.

Сўров қатнашчиларининг умумий фикрига кўра, Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш, миллий давлатчилик, эркин жамият асосларини қуриш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини оширишда улкан муваффақиятларга эришди ҳамда халқаро майдонда ўзининг муносиб ўрнини эгаллади.

Сўров Ўзбекистон эришган ютуқлар, унинг ички ва ташқи сиёсати жамиятимиз ва аҳолининг барча қатламлари томонидан қўллаб-қувватланаётганини ёрқин намоён этди. Масалан, фуқароларимизнинг аксарияти (90,7 фоизи) мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазиятдан қаноатланишини билдирди ҳамда уни "яхши ва барқарор" деб баҳолади. Шуниси эътиборга лойиқки, бу кўрсаткич сўров ўтказилган йиллар давомида барқарор сақланиб келмоқда.

Мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш жамоатчилик фикрини шакллантиришга жиддий таъсир кўрсатмоқда. Республикамиз аҳолиси буни Ўзбекистоннинг нафақат 2008 йилдаги, балки истиқлол йилларида қўлга киритган энг катта ютуғи, деб ҳисоблайди.

Тадқиқот натижалари шундан далолат берадики, жамоатчилик фикри давлат ҳокимияти ва фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг энг яхши кўзгуси ҳисобланади. Фуқароларимизнинг иқтисодиёт соҳаси ривожидан (85,4 фоиз), кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилган шарт-шароитлардан (87,1 фоиз), инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш даражасидан (89,1 фоиз), фуқароларнинг шахсий хавфсизлигидан (94,1 фоиз) ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишдан (86,6 фоиз) қониқиш ҳосил қилаётганининг юқори кўрсаткичлари ҳам шундан далолат беради.

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий барқарорликка эришиш борасидаги муваффақиятлари фуқароларимизнинг мамлакатни ривожлантириш истиқболларини баҳолашида бевосита ўз аксини топмоқда. Сўралганларнинг аксарияти республикамизнинг 2009 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳақида ижобий фикр билдирди.

Сўров давомида олинган маълумотлар Юртбошимиз раҳбарлигида рўёбга чиқарилаётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар замирида аввало одамларимиз фаровонлиги ва турмуш даражасини ошириш мақсадлари мужассамлигига мамлакатимиз аҳолисининг ишончи комил эканини тасдиқлайди. Ҳамюртларимизнинг фикрича, бунга иқтисодиёт ва аҳоли даромадининг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш туфайли эришилмоқда. Жумладан, респондентлар тадбиркорлар ва фермерлар ўз оиласи фаровонлигини яхшилашга интилаётганини қайд этди. Бу эса, ўз навбатида, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини ривожлантиришни рағбатлантиришга йўналтирилган давлат сиёсати самарадорлигининг ёрқин кўрсаткичларидан биридир.

Мол-мулк тўплаш кўрсаткичи аҳолининг пул даромадлари билан бевосита боғлиқдир. Айнан оилалардаги узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол товарлари уларнинг мулкка эгалик даражасини белгилайди. Сўров натижаларига кўра, 2008 йилда аҳолининг узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар билан таъминланиш даражаси ошди. Масалан, оилаларнинг 32,2 фоизи бугунги кунда шахсий автомобилга эга, қишлоқ жойларда бу кўрсаткич 40 фоизни ташкил этади.

Одамларнинг Ўзбекистонда яшаш учун қолишга интилишининг кучайиши ҳам намунали кўрсаткич ҳисобланади. Сўровда қатнашган фуқароларнинг аксарияти (89,5 фоизи) яшаш жойини ўзгартириш мақсадида Ўзбекистонни тарк этишни истамайди. Бу эса мамлакатимизда истиқомат қиладиган барча аҳоли қатламлари учун, қайси ҳудудда яшаши, жинси, ёши, миллий ва диний мансублиги, ижтимоий мақоми, моддий таъминот даражасидан қатъи назар, етарлича ижтимоий-иқтисодий қулайликлар яратилганидан далолат беради.

Мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятининг нафақат тенг ҳуқуқли, балки обрў-эътиборли аъзоси бўлиши учун истиқлолнинг дастлабки кунларидан муҳим ташқи сиёсий масалаларни ҳал этишга тўғри келди. Республикамиз аҳолисининг мутлақ кўпчилиги (қарийб 90 фоизи) давлатимиз раҳбари томонидан амалга оширилаётган Ўзбекистоннинг оқилона ташқи сиёсатини тўлиқ қўллаб-қувватлайди ва маъқуллайди.

Умуман айтганда, сўров давомида юртдошларимизнинг ижтимоий кайфияти ва орзу-умидларида ижобий фикрлар устувор ўрин эгаллагани намоён бўлди. 2008 йилда жамиятимизда ҳукм сурган келажакка бўлган ишонч 2009 йилда ҳам ўз самарасини беришига фуқароларимизнинг ишончи комил.

2008 йил якунлари бўйича ўтказилган ушбу сўров натижалари Ўзбекистон ўз ривожланиш ва янгиланиш моделини амалга ошириши туфайли қисқа давр ичида барча жабҳаларда катта ютуқларга эришганини яққол исботлайди. Бунинг натижасида мамлакатимиз аҳолиси ўзини эркин ҳис этадиган қулай ижтимоий муҳит вужудга келди.

«Ўзбекистон: жамоатчилик фикри – 2008» тадқиқоти аҳолининг Президент Ислом Каримовга ишончи юксак эканини яна бир карра яққол намоён этди. Давлатимиз раҳбари халқимиз турмуш даражаси ва фаровонлигини оширишга қаратилган сиёсий ҳамда ижтимоий ислоҳотларни амалга оширишда кенг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланаётган том маънодаги етакчидир.

**«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази материаллари асосида**

**ЎзА мухбири А.ИВАНОВА тайёрлади.**

**ТОКИОДА «ЯПОНИЯ – ЎЗБЕКИСТОН» ДЎСТЛИК УЮШМАСИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЎТГАН ЙИЛ ЯКУНЛАРИ, УЮШМА ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ ВА МАМЛАКАТЛАРИМИЗ ЎРТАСИДАГИ 2009 ЙИЛДА ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

*«Япония — Ўзбекистон» дўстлик уюшмаси:*

# ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Унда Япония бош вазири маслаҳатчиси ва парламент вакиллик палатаси депутати Кёко Накаяма, собиқ бош вазир Шинзо Абэнинг рафиқаси — Акиэ Абэ хоним, «кунчиқар мамлакат»нинг юртимиздаги собиқ элчиси Коичи Обата, Марказий Осиё ва Кавказ институти ижрочи директори Тецужи Танака, шунингдек, ижтимоий-сиёсий, илмий ва ишбилармон доира вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда 2008 йил Япония билан Ўзбекистон ўртасида дўстлик алоқалари ривожи ва мустаҳкамланиши борасида аҳамиятли бўлгани таъкидланди. Хусусан, «Япония – Ўзбекистон» дўстлик уюшмасининг 10 йиллик юбилейи кенг нишонланди. Шунингдек, «Марказий Осиё ва Япония» халқаро симпозиуми, Япония жамоатчилигига ўзбек халқининг бой маданияти ва санъатини намойиш этиб, республиканинг сайёҳлик соҳасидаги салоҳияти билан таништиришга хизмат қилган турли маданий-маърифий тадбир ва тақдимотлар ўтказилди. Юбилей муносабати билан ўтган йили сентябрь ойида уюшма аъзоларининг юртимиз кўҳна шаҳарлари бўйлаб сафари алоҳида таъкидланди. Тадбир давомида мазкур ташриф якунлари юзасидан японияликлар томонидан тайёрланган ҳужжатли фильм йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди.

Йиғилишда таниқли олим, Буюк Ипак йўли академияси директори, «Дўстлик» ордени соврindори, профессор Кюдзо Като сўзга чиқиб, икки мамлакат ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш муҳим эканини қайд этди. «Ўзбекистон инсоният тамаддуни бешикларидандир. Унинг ҳудудида кўплаб қадимий маданий ёдгорликлар, жумладан, япониялик сайёҳ ва тадқиқотчилар эътиборини ўзига жалб этувчи буддавийлик маданиятига оид осори-атиқалар ўрин олган. Шу ўринда Ўзбекистон раҳбарияти томонидан ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган тарихий-меъморий обидаларни тиклаш ва ободонлаштириш, шунингдек, сайёҳлик инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларини алоҳида таъкидлашни истар эдим», — деди олим.

Тадбирда, шунингдек, Японияда бўлиб ўтган «XIII Халқаро Гунма ёшлар оркестри фестивали»да ўзбек миллий ва мумтоз мусиқалари ижроси билан иштирок этган Р. Глиэр номидаги Республика махсус мусиқа лицейи директори Б. Қурбонов раҳбарлигидаги ўзбекистонлик ёш мусиқачилар делегацияси қатнашди.

Йиғилишнинг яна бир меҳмони — «Poplar Publishing» матбаа компанияси муҳаррири Тадамаса Ёшида Ўзбекистон «Буюк Ипак йўли» маркази ва Ғарб билан Шарқ ўртасидаги ўзига хос кўприк эканини қайд этди. «Ўзбекистонда илк бор 2008 йил ёз ойида бўлганман. Таъкидлашим лозим, ўзбек халқининг очиққўнгиллиги ва самимий меҳмондўстлиги мени ҳайратда қолдирди. Сафар асносида илмий-маърифий йўналишларда турли манбалар тўпладим. Улардан келгусида япон тилида тайёрланажак Ўзбекистон тўғрисидаги китобимда фойдаланаман. Умид қиламанки, унинг нашр этилиши Япония жамоатчилигини ўзбек халқининг бой тарихий ва маданий мероси билан янада яқинроқ танишиши учун имконият яратади», — деди Т. Ёшида сўзи якунида.

**«Жаҳон» АА, Токио**

# РЕКЛАМА ВА ҚОНУНЧИЛИК

**ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАШАББУСИ БИЛАН 1998 ЙИЛДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «РЕКЛАМА ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН БУ БОРАДАГИ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА МУҲИМ АСОС БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА. УШБУ ҚОНУНГА МУВОФИҚ, РЕКЛАМАДА МАҲСУЛОТ ВА ХИЗМАТГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР АНИҚ АКС ЭТИШИ, ИСТЕЪМОЛЧИГА ЗАРАР ЕТКАЗМАСЛИГИ ЛОЗИМ.**

Лекин аҳоли эътиборига ҳавола этилаётган барча реклама материалларни ҳам ушбу меъёрларга мос, деб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси мутахассислари томонидан реклама бозорида ўтказилаётган мониторинглар натижасида 2008 йили бу борада беш юзга яқин қонунбузарлик ҳолати аниқланган. Шуларни ҳисобга олиб, реклама тарқатувчиларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, рекламага оид қонунчилик меъёрларидан чуқурроқ хабардор бўлишини таъминлаш мақсадида "Ўзбекистон Республикасининг "Реклама тўғрисида"ги қонунига шарҳ" китоби тайёрланди.

Мазкур китобнинг Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ўтган тақдимотида Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раисининг ўринбосари А.Абдурашидов мамлакатимиз миллий қонунчилиги, аввало, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганини алоҳида таъкидлади. "Реклама тўғрисида"ги қонун улардан биридир.

Ушбу қонунга шарҳлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Тошкент давлат юридик институти, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси мутахассислари томонидан ёзилди. Унда соҳага оид муносабатлар билан боғлиқ меъёрлар амалдаги норматив-ҳуқуқий база ёрдамида муфассал шарҳланган.

**Н.АБДУРАИМОВА, ЎзА мухбири**

*Қадриятларимиз*

# УСТОЗ САНЪАТКОРЛАР ЭЪЗОЗЛАНДИ

**ТАМАРАХОНИМ УЙ-МУЗЕЙИДА ИЛК БОРА УСТОЗ САНЪАТКОРЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ МАҚСАДИДА ЎТКАЗИЛГАН ТАДБИР «САНЪАТИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ» ДЕБ НОМЛАНДИ.**



Тадбир Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгаши ҳамда Тамарахоним уй-музейи маъмурияти билан ҳамкорликда ташкил этилди. Мазкур тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад, бутун умрини, ҳаёт йўлини санъатга бағишлаган, Тошкент шаҳри ва вилоятларимизда яшаб ижод қилаётган иқтидорли ёшларни кашф этиш ва уларнинг санъат майдонига кириб келишларида муносиб ҳиссаларини қўшиб келаётган устоз санъаткорларни эъзозлашдир. Шунингдек, «Санъатимиз фидойилари» мавзусидаги устоз санъаткорларни эъзозлаш тадбири орқали ўз мақсади сари интилган, юрагида жўш урган меҳр-муҳаббатини санъатнинг сирли оламига бахш этган, кўплаб шогирдларни вояга етказган устоз санъаткорларни эъзозлаш ҳамда унутилиб бораётган қадимий ижро йўлларини тиклаш ва уни кенг оммалаштириш, ўзбек халқининг юксак маънавий фазилатларини камол топтириш, ёшларнинг кекса санъаткорларга бўлган эътибори ва ҳурматини ошириш ва уларнинг ижодини кенг тарғиб этишдан иборат бўлди.

Тадбирни Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий- методик марказининг директори, профессор Ўрозали Тошматов кириш сўзи билан очди. Устоз санъаткорларни эъзозлаш тадбирига шаҳримиз ва вилоятларнинг энг чекка қишлоқларида фаолият кўрсатаётган устоз санъаткорлар таклиф этилди. Ўзбекистон халқ артистлари Қ.Миркаримова, Қ.Дадаев, Т.Сайфуддинов, М.Исоқова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоблари Р.Абдуллаев, Ш.Аҳмедов, Т.Маҳмудов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, профессор С.Йўлдошева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Х.Қодирова, Ж.Пўлатов, О.Орифжонов шулар жумласидандир.

Тадбир иштирокчилари Тамарахоним уй-музейи билан яқиндан танишиб, бир пиёла чой устида дилдан суҳбатлашдилар. Севимли хонандалар Ғ.Қулабдуллаев, А.Раҳимжонов, К.Қосимхонова ва Тошкент вилояти Оққўрғон туман маданият уйи қошидаги С.Сайдалиева раҳбарлигидаги «Қувонч» намунали бадиий ҳаваскорлик рақс ансамбли жамоаси томонидан тайёрланган концерт дастури кечага ўзгача файз киритди.

Тадбирда устоз-санъаткорларга Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгаши ҳамда ҳомийларнинг Фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари топширилди.

**Талъат АЗИМОВ, Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими жамоатчи мухбири**

**СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар**





*Транспорт*

# ЮБИЛЕЙ ТАРАДДУДИ

**ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН ПОЙТАХТ МЕТРОПОЛИТЕНИДА ҲАМ ЮБИЛЕЙ ТАРАДДУДИ КЎРИЛМОҚДА.**

Шу қутлуғ сана муносабати билан тузилган режа бўйича амалга оширилган ишлар кутилган натижаларни берди. Айни вақтда метрополитенда қўшимча қурилиш-монтаж ишлари олиб борилаётир.

Бекатларга тушиш-чиқиш зинапоялари, ўтиш йўлакларини пардозлаш ҳамда ёритиш мосламаларининг носозларини алмаштириш ва таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Мустақиллик майдони, Ҳамза, Бунёдкор бекатларининг платформа ва касса ҳудудлари эса янгича кўринишга эга бўлади.

Бу ва шунга ўхшаш тайёргарликлар метро қурилмалари ва ускуналарини ишлатиш ҳамда поездлар ҳаракати коэффициентининг юз фоиздан кам бўлмаслигини таъминлайди.

# НАМУНАЛИ ТЕХНИК ХИЗМАТ

**БУГУНГИ КУНДА «ТОШШАҲАРТРАНСХИЗМАТ» УЮШМАСИ ТАСАРРУФИДАГИ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИГА ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШГА АЛОҲИДА АҲАМИЯТ БЕРИБ КЕЛИНМОҚДА.**

«ДЭУ», «ПАЗ» русумли эскирган, амортизация муддатини ўтаган автобусларнинг ички, ташқи ва техник ҳолати автобус саройларининг ўзида тартибга келтирилмоқда.

«Мерседес-Бенц» автобусларига эса сервис марказида белгиланган тартибда техник хизмат кўрсатиш ишлари амалга оширилмоқда.

«Исузу» русумли автобусларга сервис хизмати кўрсатиш учун ҳар бир автокорхонада сервис участкаси ташкил этилди.

# ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАР ОЧИЛДИ

**ШАҲРИМИЗ АҲОЛИСИГА ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ ТОБОРА ЯХШИЛАНИБ БОРМОҚДА. ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАРДА ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ ҚАТНОВЛАРИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИДАН ҲАМ ЙЎЛОВЧИЛАР МАМНУН БЎЛИШМОҚДА.**

«7-автокорхона» очиқ акциядорлик жамиятига қарашли янги 56-автобус йўналишида ҳам транспорт қатнови бошланди. Пойтахтимизда 6-трамвай йўналиши қайта ташкил этилди. 3-трамвай-троллейбус депоси тасарруфидаги бу трамвай Янгиобод мавзесидан бошланиб, «Олтинтепа» бекатигача ҳаракатланмоқда.

*Таълим*

# ИНСТИТУТГА МАХСУС СЕРТИФИКАТ

**ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ЭНГ НАМУНАЛИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ҚАТОРИДАН ЎРИН ОЛДИ. УНГА ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ ТОМОНИДАН ДАВЛАТ АККРЕДИТАЦИЯСИ ҲАҚИДАГИ СЕРТИФИКАТ ТОПШИРИЛИШИ ҲАМ НУР УСТИГА АЪЛО НУР БЎЛДИ.**

Ушбу сертификат институтга беш йил муддатга 12 та бакалавриат, 16 та магистратура йўналишида мутахассислар, дастурлар, босқичлар бўйича давлат намунасидаги таълим тўғрисидаги ҳужжатларни бериш ҳуқуқини кафолатлайди.

«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат компанияси томонидан тасдиқланган ягона комплекс режани амалга оширишда ҳам олий ўқув юрти олимлари фаоллик кўрсатмоқдалар.

# ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРГА СТИПЕНДИЯЛАР

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲАМДА СОҲАГА ОИД КОЛЛЕЖ ВА ЛИЦЕЙЛАР ТАЛАБА ВА ЎҚУВЧИЛАРИДАН БИР ГУРУҲИ ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ТАЪСИС ЭТГАН СТИПЕНДИЯНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ.**

Шу муносабат билан Марказий Кенгашда стипендиатлар иштирокида тақдимот маросими ўтказилди.

Унда сўзга чиққан иқтидорли ёшлар бундай имтиёзли стипендия соврindори бўлганларидан фахрланиб, ўқишда, жамоат ишларида янада фаоллик кўрсатишлари ҳақида гапирдилар. Уларга эсдалик совғалари ҳам топширилди.

# РЕСПУБЛИКАДА ЯГОНА

**ТЕМИР ЙЎЛ ТАРМОҒИДАГИ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ОРАСИДА ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ КОЛЛЕЖИ АЛОҲИДА ЎРИН ТУТАДИ. МАЗКУР БИЛИМ ДАРГОҲИ ЯҚИНДА ЯНГИ ЎҚУВ КОРПУСИГА КЎЧИБ ЎТДИ.**

1200 ўқувчига мўлжалланган мазкур иншоотни бунёд этишда «Тошкенттемирйўл лойиҳа» очиқ акциядорлик жамияти томонидан яратилган лойиҳадан фойдаланилди.

Мутахассислар, кўпгина жиҳатлари бўйича мазкур касб-ҳунар коллежи республикамизда ягона эканлигини таъкидламоқдалар.

**Акбар АЛИЕВ**

